**Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномаси**
**1307-сон**

**2022 йил** 10-сентябр **Чирчиқ ш.**

Биз қуйида имзо чекувчилар **“AVIKON TEX” МЧЖ** (кейинги ўринларда - Етказиб берувчи) номидан устав асосида ҳаракат қилувчи директор **Курбанов А.Ф.** бир томондан, **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети** (кейинги ўринларда - Буюртмачи) номидан низом асосан ҳаракат қилувчи ректор **Болтабаев М.Р.** иккинчи томондан, 2022 йил 7 сентябрдаги “Катта янги чанғи симулятори ва сноуборд” харид қилиш бўйича 138790-сонли тендер лоти бўйича харид комиссиясининг баённомасига асосан қуйидаги мазмунда келишувга эришиб, мазкур шартнома имзоланди.

**1. Шартнома предмети**

**1.1.** Мазкур шартнома ва унинг 1-2-иловаларига мувофиқ Етказиб берувчи маҳсулотни Буюртмачига топшириш, Буюртмачи эса қабул қилинган Маҳсулотни тўлаш мажбуриятини олади.

**1.2.** Етказиб берувчи, Буюртмачи билан келишган ҳолда шартномада кўрсатилган маҳсулотни қисман ва муддатидан олдин етказиб бериш хуқуқига эга.

**1.3.** Етказиб бериладиган маҳсулот шартнома 2-иловасидаги Буюртмачининг техник талабларига жавоб бериши керак.

**2. Шартноманинг умумий қиймати ва тўлов шартлари**

**2.1.** Шартноманинг умумий қиймати 15% ҚҚС билан бирга **2 068 000 000,00 (Икки миллиард олтмнш саккиз миллион)** сўмни ташкил этади.

**2.2.** Маҳсулотнинг шартномада кўрсатилган қийматини шартноманинг амал қилиш даврида ўзгартириб бўлмайди.

**2.3.** Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**2.4.** Шартнома бўйича 15 фоиз аванс тўлови ушбу шартнома тегишли газначилик булинмасидан рўйхатдан ўтгандан кейин 10 банк иш кунида амалга оширилади;

**2.5.** Шартноманинг 85 фоиз миқдоридаги суммасини тўлаш учун ҳисоб-фактура асос бўлади.

**2.6.** Шартноманинг 85 фоиз миқдоридаги суммасини тўлаш аванс тўловини ҳисобга олган ҳолда 10 банк иш кунида амалга оширилади.

**2.7.** Шартнома бўйича якуний тўлов амалга оширилганда ҳамда шартнома муддати тугаганда солиштирма далолатнома тузилади.

**3. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

**3.1.** Жаримани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

**4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

**4.1.** Буюртмачи 1-2-иловаларига мувофиқ тартибда ва техник шартлар асосида маҳсулотни қабул қилиб олганлигини текшириш ҳуқуқига эга. Бунда, агар текширув жараёнида Буюртмачи томонидан қабул қилинган маҳсулот шартномада назарда тутилган техник талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи Етказиб берувчидан кўрилган зарарни тўлиқ хажмда талаб қилиши ҳамда Етказиб берувчи мазкур зарарни тўлиқ қоплаб беришга мажбур;

**4.2.** Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган махсулот сифатсиз, яроқсиз, эски, ишлатилган ҳамда 2022 йилда ишлаб чиқарилган бўлмаса, қабул қилишни рад этиш;

шартноманинг 3-банди талабларига мос бўлмаган маҳсулот етказилганда тўловдан бош тортиш, агар тўлов амалга оширилган бўлса, маҳсулотни сифатлисига алмаштириб беришни ёки тўланган маблағни қайтаришни талаб қилиш шу билан бирга, махсулот қийматидан 20 фоиз миқдорида жарима талаб қилиш.

**4.3. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:**

Буюртмачи ва тўловчидан шартномада белгиланган муддатда ва тартибда зарур тўловни тўланишини талаб қилиш.

**4.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

Шартнома ва унинг иловасига мувофиқ етказиб берилган маҳсулотни қабул қилинишини таъминлаш.

**4.5. Етказиб берувчининг мажбурияти:**

Етказиб берувчи маҳсулотга 12 ой кафолат муддатини ишга туширилган ва қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб, кучга кириши, шунингдек ускунанинг ҳолати янги ва аввал фойдаланилмаган бўлиши керак;

шартномада ҳамда унинг 1-2-иловаларига мувофиқ белгиланган миқдорда ва ассортиментда ҳамда маҳсулотни тўлиқ ва зарар етказилмаган ҳолда етказиб берилишини таъминлаш, лаборатория жиҳозларини Буюртмачи талабига асосан ўрнатиб бериш, шунингдек 2022 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлиши шарт;

Буюртмачига маҳсулот билан биргаликда амалдаги қонунчиликка мувофиқ тегишли ҳужжатларни шу жумладан, мувофиклик сертификати ва ускунадан фойдаланиш бўйича қўлланмани тақдим қилиш;

маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаганлик учун Етказиб берувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун (дам олиш ва расмий байрам кунларидан ташқари) топширилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ, етказиб берилмаган маҳсулот кийматининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди;

сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган маҳсулотни топширганлик, шунингдек бутланмаган маҳсулотни топширганлик учун Етказиб берувчи маҳсулот қийматининг 20 фоиз миқдорида Буюртмачига жарима тўлайди.

## 5. Етказиб бериш шартлари

**5.1.** Маҳсулотни Буюртмачининг омборхонасига тўлиқ ва зарарсиз етказиб бериш шартноманинг 1-иловасига мувофиқ кўрсатилган муддатда, яъни аванс тўлови амалга оширилган кунидан бошлаб 150 иш куни ичида Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади. Буюртмачи омборхонаси: Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси 19-уй.

**5.2.** Маҳсулот етказиб берилган сана, маҳсулотнинг Буюртмачининг омборига келиб тушган куни хисобланади.

## 6. Маҳсулотни кабул килиш ва топшириш шартлари

**6.1.** Маҳсулотга эгалик ҳукуқи ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, маҳсулотни қабул қилган вактдан бошлаб Буюрмачига ўтади.

**6.2.** Етказиб берилаётган маҳсулот амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (ГОСТ, O'zDST ва TS ёки CE)ҳамда Буюртмачининг техник талаблари асосида қабул қилинади.

**6.3.** Буюртмачи шартномага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

**6.4.** Буюртмачи ўзи қабул қилган маҳсулотни қонун ҳужжатларида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши шарт.

**6.5.** Агар маҳсулотни шартнома ва унинг иловасида кўрсатилган муддатда етказиб беришнинг имкони бўлмаса, Етказиб берувчи бу хақда Буюртмачини огохлантириши лозим. Бироқ, шартноманинг 18-бандига асосан ўз вақтида етказиб бермаган маҳсулот учун пеня тўлаб бериши шарт.

**6.6.** Асбоб ускунани созлаш ва ишга тушириб бериш Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади. Юк қабул қилувчининг ходимларига ускунадан фойдаланишни ўргатиш учун Етказиб берувчи ўз ҳисобидан ўзининг мутахассисларини Юк қабул қилувчининг манзилига юборади.

**7. Рекламацияларни кўриб чиқиш тартиби**

**7.1.** Рекламация етказиб бериладиган Буюртмачининг техник талабларига жавоб бермаганда берилиши мумкин.

**7.2.** Буюртмачи маҳсулот сифати ва техник бўйича рекламацияни кафолат муддати давомида бериши мумкин.

**7.3.** Агар кафолат муддати даврида ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган талаблар асосида махсулотни эксплутация қилишга қарамасдан маҳсулот ишдан чикса, етказиб берувчи ўз ҳисобидан қуйидагиларни амалга оширади:

кафолат муддати давомининг биринчи ярмида маҳсулот ишдан чиқса 120 кун ичида янгисига алмаштириб бериш;

кафолат муддатининг иккинчи ярмида маҳсулот ишдан чиқса тўлиқ ремонт қилиб бериш.

**7.4.** Сифатсиз маҳсулот ёки кафолат муддати давомида ишдан чиққан маҳсулот юзасидан нуқсонларни аниқлаш далолатномасини расмийлаштириш учун буюрмачи ёзма равишда Етказиб берувчига маълум қилади (факс ёки бошқа алоқа усулидан фойдаланган холда). Нуқсонларни аниқлаш далолатномасини расмийлаштириш санаси ёзма равишда огоҳлантирилгандан сўнг 3 кун ичида амалга оширилиши керак.

Ёзма хабарномада қуйидагилар қайд этилган бўлиши керак:

биргаликда текширилиши кутилаётган маҳсулотнинг номи, миқдори;

маҳсулот сифати бўйича шикоятнинг мохияти;

маҳсулот фойдаланилган муддат давомийлиги;

Етказиб берувчи томонидан вакилни жўнатиш вакти ва жойи;

бошқа масалалар.

**7.5.** Сифатсиз маҳсулот бўйича далолатнома расмийлаштириш учун Етказиб берувчи томонидан вакил тақдим этилмаган тақдирда, Буюрмачи мустақил равишда экспертларни ёки бошқа бетараф ташкилот вакилини жалб қилган ҳолда расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

**7.6.** Буюрмачи вакили бир тарафлама шикоят далолатномасини қуйидаги ҳолларда расмийлаштириши мумкин:

Етказиб берувчи вакилини сабабсиз келмаслиги;

ёзма шикоят хабарномасига жавоб берилмаганида.

**8. Низоларни ҳал қилиш**

**8.1.** Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар ўртасида келишувга эришилмаса низолар Тошкент вилояти иқтисодиёт судида ҳал қилинади.

**9. Форс мажор**

**9.1.** Тарафлар ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажариш мажбуриятидан ёнгин, сув тошқини, ер қимирлаши, уриш, қамал, қатъий карантин чоралари жорий этиш ҳукумат томонидан маълум қилинган тақдирда озод этилиши мумкин.

Юқоридаги холатлар юз берганда 5 кун ичида томонлар ёзма равишда бир бирини огоҳлантириши шарт.

**9.2.** Форс-мажор ҳолатларига кўра Етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб берилмаса аванс тўлови 15 фоиз, 10 иш куни ичида Буюртмачига кайтариб берилади.

**10. Шартноманинг амал қилиш муддати**

**10.1.** Ушбу шартнома тарафлар имзолаганидан кейин кучга киради ва 31.12.2022йилгача амал қилади.

**11. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

**11.1.** Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда тарафларнинг ўзаро келишувига биноан амалга оширилади.

**XI. Бошқа шартлар**

**11.2.** Мазкур шартнома бйича ўз мажбуриятларини хеч бир тараф бошқа шахсга тарафларнинг розилигисиз ўтказмайди.

**11.3.** Мазкур шартнома ва унинг 1-2- иловалари ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир томон учун тузилган.

**11.4.** Тарафларнинг тўлов реквизитлари ўзгарган тақдирда бир тараф бошқа тарафни огоҳлантиради.

**11.5.** Ушбу шартнома “Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар Ғазначилик бўлинмаси”да руйхатга кўйилганидан сўнг кучга киради.

**12. Тарафларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари**

**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:**
**“AVIKON TEX”**
**Масъулияти чекланган жамияти**

Манзил: Ташкент ш., Тошкент халка автойули, 5-уй Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кучаси, 10а-уй
Тел: +998 97 770 42 03
х/р: 20208000400476189001
банк: Давр банк ХАТ банкининг Олмазор ф-али
МФО: 01121
ИНН: 303365944
ОКЕД: 46690
ҚҚС тўловчи коди: 326100001655
elxolding@bk.ru

**Директор: ________________ Курбанов А.Ф.**

**БУЮРТМАЧИ:**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети**

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчик шахри, Спортчилар кўчаси 19 уй
Тел: (0370) 717-17-71, бухгалтерия (70)717-37-73
л/с: 302810860274197097300254002
ИНН: 200541019
ОКЭД: 85420
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
р/с: 23402000300100001010
ИНН: 201122919
Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси Хисоб-китоб-касса маркази
МФО: 00014

**Ректор: ____________________ Болтабаев М.Р.**

2022 йил 10 сентябрдаги
1307 - сонли шартномага
1 – сонли илова

**Махсулотнинг тавсифи**

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Етказиб бериш муддати | 1 донасини нархи | Етказиб бериш нархи | ҚҚС суммаси 15% | Ишлаб чиқарув-чи | Умумий қиймати ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | *Югуриш йўлаги Ski Machine ARS4060 ( Катта янги чанги симулятори ва сноуборд Ski Machine ARS4060)* | дона | 1 | 150 иш куни | 1 798 260 869,57 | 1 798 260 869,57 | 269 739 130,43 | Holland (Голландия) | **2 068 000 000** |
| | **Жами:** | | | | | | | | **2 068 000 000** |

Икки миллиард олтмиш саккиз миллион сўм (ҚҚС 15% билан).

**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:**

**"AVIKON TEX"**
**Масъулияти чекланган жамияти**

Директор: ____________ Курбанов А.Ф.

**БУЮРТМАЧИ:**

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети**

Ректор: ____________ М.Р. Болтабаев

2022 йил 10 сентябрьдаги
1307 - сонли шартномага
2 – сонли илова

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ
## “Янги тоғ чанғи симулятори ва сноуборд” сотиб олиш учун

| № | Маҳсулот номи ва техник хусусиятлари |
|---|---|
| 1 | **Маҳсулот номи: Янги тоғ чанғи симулятори ва сноуборд** |
| 2 | Узунлиги камида 550 см, кенглиги 350 см дан кам бўлмаган чанғи учун чанғи юзаси. Ташқи ўлчамлар узунлиги камида 800 см ва кенглиги 500 см бўлиб, чанғи юзасига хавфсиз кириш учун камида 90 см кенгликдаги қадамларни ўз ичига олиши керак. |
| 3 | Тоғ чанғиси ёки 140 см узунликдаги сноуборддан фойдаланганда умумий оғирлиги камида 250 кг бўлган чанғи чанғиси учун чанғи сиртининг юк кўтариш қобилияти/ Учиш бир вактни узида 3 киши, соатига 4 киши |
| 4 | Чанғи сиртининг тезлик диапазони соатига 25 км дан кам эмас, тезликни 2,5 км / соат дан ошмайдиган босқичларда силлиқ созлаш имконияти/0,1 км/соат кадамларда силлик утиш, узгарувчан частота |
| 5 | Платформанинг ўзгариш бурчак диапазони 8 даражадан кам эмас/ Созланадиган киялик. Киялик $10^0$ дан $18^0$ даражагача харакатланиш мумкин |
| 6 | Функцияларга эга стационар бошқарув панели: тўхташ, тезроқ, секинроқ, намлаш, юқорига, пастга, қўзиқорин шаклидаги фавқулодда тўхташ тугмаси, калит, операторга маршрут хусусиятларини кўрсатиш (тезлик, вақт, масофа, платформанинг егилиш бурчаги), кўп тилли интерфейс, созламалар ва ишлашга кириш ҳуқуқларини ажратиш (администратор, оператор), тизим хатолари ва тавсияларини кўрсатиш, сув филтрини алмаштириш кўрсаткичи. Бошқа функционал, хизмат кўрсатиш, бизнес имкониятларини, шу жумладан электр қисми учун онлайн диагностикани кенгайтириш имкониятига ега бўлиши керак/ Бошкариш панели сенсор экрани билан. Бир нечта фавкулодда кузикорин тугмалари ва тортиш симлари, хавфсизлик сенсори. |
| 7 | Зарядланувчи батареяли масофадан бошқариш пулти, функциялари бўлган зарбага чидамли корпус: тўхташ, тезроқ, секинроқ, намлаш, юқорига, пастга/ Тартибга сенсорли экран оркали солиш, ярим автоматик |
| 8 | Экран диагонали камида 17 дюм бўлган спортчи учун трекнинг хусусиятлари кўрсаткич тахтаси: тезлик, вақт, масофа, платформанинг эгилиш бурчаги/ Сенсорли экранда курсатилади. |
| 9 | Тасманинг силжиши ва бошқарув панели экранида хатолик кўрсатиш учун фавқулодда тўхташ сенсори билан статик камар горизонтал стабилизация тизими/ SkiMachine ARS4060 тог чанги ва сноуборд симуляторида мувозанатли роликлар ва идеал учта конвейер лентадан фойдаланилади, хамда фавкулодда сенсорлар мавжуд. |
| 10 | Автоматик тўхташ датчиклари фойдаланувчи милининг устига ўрнатилган/ Автоматик тухташ датчиклари устига урнатилган |
| 11 | 5 сониядан кўп бўлмаган тезкор тўхтатиш модули/3 сониядан куп булмаган тезкор тухтатиш модули. |
| 12 | Қалинлиги камида 100 мм бўлган юқори платформанинг панжарасига ўрнатилган ҳимояловчи мат/ Ен томонда химояловчи комплама урнатилган |
| 13 | Чанғи зонасидан чиқишда қулайлик учун чанғи юзасига камида -10 ° бурчак остида жойлашган юқори платформа/ Юкори платформа шунчаки давом этмокда, бу энг хафсиз ва тавсия этилган усул. Киялик $10^0$ дан $18^0$ даражагача харакатланиш мумкин. |
| 14 | Мумкин бўлган ускунага таъсир қилиш учун қўриқчининг пастки қисмидаги композит зарба панели. Ускунанинг симулятордан учиб кетишига йўл қўймаслик учун деворнинг тешикларини, тутқич ва композит панел ўртасида поликарбонат билан тўлдириш/ Талабларга жавоб берадиган орка томондаги ен ва юмшок копламадаги стандарт буялган тахталар. |
| 15 | Барча ўлчамдаги чанғичилар ва сноубордчилар учун икки қаватли зангламайдиган пўлатдан ясалган тутқич/ Чанги учувчи ва сноуборд учувчилар учун зангламайдиган пулатдан ясалган тутгич. |
| 16 | Гуруҳ дарслари учун олинадиган оралиқ старт планкаси, чанғи зонасини 2 гуруҳ учун иккита зонага бўлиш. |

| | |
|---|---|
| **17** | Автоматик режим, релйеф ва/ёки тезликни ёдлаш ва такрорлаш инструктор билан бошкарилади/Инструктор томонидан белгиланади |
| **18** | Чанғи сиртини бир текис намлаш ва сув филтрлаш учун ярим автоматик тизим, ҳар қандай консолдан, шу жумладан сув босими сенсорлари ва сув филтрини алмаштириш кўрсаткичидан фаоллаштирилган. |
| **19** | Қолган сув учун дренаж тизими ўрнатилган. |
| **20** | Тола баландлиги камида 20 мм бўлган оқ сунъий чанғи гилами: Юкори сифатли, барча турдаги тоғ чанғилари ва сноубордлар учун мос келади ва ҳар қандай турдаги чекка ўткирлаш билан/ Ишлаб чикарувчи турли хил толаларни урнатади, баъзилари каттикрок, баъзилари кискарок, чанги учишни яхшилайдиган. |
| **21** | Барча қисмлар янги. Чикарилган йили 2022 |
| **22** | Учиш учун сиртнинг ишлаш муддати камида 10 000 соат ва / ёки камида 5 йил. |
| **23** | Бюртмачи кўрсатиб ўтган манзилга етказиб бериш |
| **24** | Буюртмачи томонидан белгиланган ўрнатиш жойида чанги симуляторини жойлаштириш учун чизмаларни тақдим етиш, ҳар қандай алоқа (сув, електр, канализация) ва қадамларни етказиб беришнинг ўнг ёки чап томонини танлаш имконияти. |
| **25** | Якуний манзилга ўтиш пайтида шикастланмаслик учун ускунани тўғри жойлаштириш. |
| **26** | Симуляторнинг қисмларини ўрнатиш жойига тушириш ва олиб келишни бошқариш, монтажни назорат қилиш, еҳтиёт қисмлар, асбоблар бир вақтнинг ўзида етказиб берилади. |
| **27** | Ускуналарда хавфсиз учиш, техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича амалий ва назарий кўрсатмалар, шу жумладан тизим ҳужжатлари. |
| **28** | Маркалаш халкаро стандартларга мувофиқ амалга оширилади<br>Агар керак бўлса, қадоқлаш қуйидаги белгилар билан белгиланиши керак: Эҳтиёткорлик билан тутинг, ташламанг, салқин жойда сақланг. |
| **29** | CE стандартларига мос келади. |
| **30** | Кафолат / кафолатдан кейинги хизмат 2 йилдан ортиқ бўлиши керак. |
| **31** | Агар маҳсулотлар тўгри ишламаса, етказиб берувчи жўнатилган кундан бошлаб бир йил ичида уларни бепул таъмирлайди ёки алмаштиради. |
| **32** | Рўйхатдан ўтиш ва техник хизмат кўрсатишни ҳужжатлаштирилган қайд етиш (масалан, техник хизмат кўрсатиш шартномаси ёки ваколатли техник ходимлар оркали) машина қисмларига кафолатни 1 йилга узайтиради. |
| **33** | Симулятор, унинг яхлитлиги ва харидорнинг максадлари учун тўлиқ қониқарли ҳолати тўлиқ текширилгандан сўнг, қабул килиш ва топшириш акти имзоланади. |

**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:**

**“AVIKON TEX”**
**Масъулияти чекланган жамияти**

Директор: ____________________ Курбанов А.Ф.

**БУЮРТМАЧИ:**

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети**

Ректор: ____________________ М.Р. Болтабаев

007268

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AVIKON TEX" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"AVIKON TEX" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.06.2015 007268-01 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 303365944

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, TOSHKENT XALQA AVTOMOBIL YO'LI KO'CHASI, 5-UY.,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ**
**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN O'TGANLIGI TO'G'RISIDA**
**G U V O H N O M A**

**С В И Д Е Т Е Л Ь С Т В О**
**О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

QQS RO'YXAT RAQAMI
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС — **326100001655**

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

| | |
|---|---|
| Soliq to'lovchining nomi<br>Наименование налогоплательщика | **MCHJ AVIKON TEX** |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami<br>Идентификационный номер налогоплательщика | **303365944** |
| Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana<br>Дата с которой лицо становится плательщиком НДС | **01.01.2019** |
| Ro'yxatdan o'tish sanasi<br>Дата регистрации | **12.11.2018** |

Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 138790 на приобретение Закупка «Новый большой симулятор горных лыж и сноуборда»

Способ проведения электронный

Дата 07.09.2022

Время рассмотрения 07.09.2022 15:46

Конкурсная комиссия Узбекский Государственный университет физической культуры и спорта, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Boltabayev Maxmudjon Rustamovich | Rektor xarid komissiya raisi | O'zDJTSU. |
| **Секретарь комиссии** | NASRIYEV G‘OLIBJON MUHIDDINOVICH | Xarid bo'yicha bosh mutaxassis komissiya kotibi | O'zDJTSU |
| **Член комиссии** | KARIMOV DJAXONGIR GANIBOYEVICH | Bosh auditor komissiya a'zosi | O'zDJTSU |
| **Член комиссии** | SIROJOV BOTIR YULDASHEVICH | Bosh yuriskonsul’t komissiya a'zosi | O'zDJTSU |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV INOMJON ILHOMOVICH | Moliya iqtisod ishlari bo'yicha prorektor (Xarid komissiya rais o'rinbosari) | O'zDJTSU |
| **Член комиссии** | Axmedov Ikrom Akromovich | O'quv ishlari bo'yicha prorektor komissiya a'zosi | O'zDJTSU |
| **Член комиссии** | KARIMOV ABDUXAMID ABDUMANNABOVICH | Qishki sport turlari nazariyasi va uslubiyati kafedra mudiri | O'zDJTSU |
| **Член комиссии** | TOG‘AYEV ABDULAZIZ XOLMAMATOVICH | Reja-moliya bo'limi boshlig'i | O'zDJTSU |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.09.2022 года № лота 138790.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Лабораторный инвентарь** |
| Подробное описание | Закупка «Новый большой симулятор горных лыж и сноуборда» для развития зимних видов спорта в Узбекском государственном университете физической культуры и спорта. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 2100 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 2100 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Предоставлении письма авторизации завода изготовителя

Тип: Текстовое значение

Описание: Предоставлении письма авторизации завода изготовителя

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 5 | Авторизация | 5 | Экспертная | | |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 5 | техническое предложение | 4 | Экспертная | | |

Критерий №2 Критерии технической оценки

Тип: Текстовое значение

Описание: Техническое предложение участника должна соответствовать тендерной документации

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 50 | в прикрепленном документе | 48 | Экспертная | | |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 50 | Техническое предложение | 47 | Экспертная | | |

Критерий №3 Информация по учредителям

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по учредителям

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 5 | Устав | 4 | Экспертная | | |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 5 | общая инфа | 4 | Экспертная | | |

Критерий №4 Сроки и условия поставки

Тип: Текстовое значение

Описание: Сроки и условия поставки

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 10 | в прикрепленном документе | 9 | Экспертная | | |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 10 | техническое задание | 7 | Экспертная | | |

Критерий №5 Наличие опыта поставки

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие опыта поставки

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 5 | в прикрепленном документе | 5 | Экспертная | | |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 5 | опыт поставки | 5 | Экспертная | | |

Критерий №6 гарантийное письмо

Тип: Текстовое значение

Описание: не находится в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не находится в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с (наименование заказчика), не находится в Едином реестре недобросовестных исполнителей, отсутствуют ненадлежащим образом исполненные обязательства по ранее заключенным договорам, отсутствие задолженности по уплате налогов и других обязательных платежей, наличие свободных средств 15% от стоимости закупаемого лабораторного оборудования, не зарегистрирован и не имеет банковские счета в государствах или на территориях, предоставляющих льготный налоговый режим

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 5 | в прикрепленном документе | 5 | Экспертная | | |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 5 | Гарантийное письмо | 4 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 2 100 000 000.00 | 2 068 000 000.00 UZS | 2 068 000 000.00 | 00.00 | 2 068 000 000.00 | 06.09.2022 09:03:54 | 20 |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 2 100 000 000.00 | 2 092 000 000.00 UZS | 2 092 000 000.00 | 00.00 | 2 092 000 000.00 | 06.09.2022 09:06:24 | 19.77 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО** AVIKON TEX | 76 | 20 | 96 |
| **ООО** HIMLABPRIBOR | 71 | 19.77 | 90.77 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 138790 от 07.09.2022 года на приобретение Закупка «Новый большой симулятор горных лыж и сноуборда» определила победителем:

ООО AVIKON TEX

303365944

и резервный исполнитель: ООО HIMLABPRIBOR (206934118)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Boltabayev Maxmudjon Rustamovich | Согласен | |
| **Член комиссии** | KARIMOV DJAXONGIR GANIBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SIROJOV BOTIR YULDASHEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV INOMJON ILHOMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | Axmedov Ikrom Akromovich | Согласен | |
| **Член комиссии** | TOG'AYEV ABDULAZIZ XOLMAMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KARIMOV ABDUXAMID ABDUMANNABOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**"TASDIQLAYMAN"**
O'zDJTSU rektori, xarid
komissiya raisi
_______________ M.R.Boltabayev
2022 yil "10" 09

Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Sportchilar ko'chasi, 19-uy manzilida joylashgan O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universitetining qishki sport yo'nalishi talabalari dars mashg'ulotlarini amalga oshirish uchun **"Katta yangi chang'i simmulyatori va snoubord"** ni xarid qilish uchun 22110006138790-son lot bo'yicha 2022-yil 17-avgustdagi 138790-son elektron bayonnomasiga asosan universitet xarid komissiyasining

**3 - sonli BAYONI**

2022 yil "10" 09 Chirchiq shahri

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti **"Katta yangi chang'i simmulyatori va snoubord"** ni xarid qilish bo'yicha tender.uzex.uz maxsus axborot portalida **2022-08-17 09:16** kuni lot raqami 22110006138790-son bilan e'lon joylashtirgan. Buyurtmachining boshlang'ich narxi 2 100 000 000,00 (QQS bilan) so'm, yetkazib berish muddati 90 kun.

Shuningdek ushbu e'londa qatnashuvchi tashkilotlar tomonidan taqdim qilinadigan takliflarini qabul qilish muddati **2022-09-06 09:16** ga qadar deb belgilangan va takliflarni qabul qilishning oxirgi muddati tugaguncha quyidagi tashkilotlar tomonidan takliflar berilgan:

- "AVIKON TEX" MCHJ,
- "HIMLABPRIBOR" MCHJ

Xarid komissiyasi tomonidan tekshirilgan ko'rsatkichlari ijobiy o'tgan tashkilotlarining takliflari elektron platforma tomonidan yakuniy baholash mezonlariga muvofiq, quyidagicha natijalar aniqlangan

**Tender natijalari**:

| № | Tashkilot nomi | Xolati | Taklif narxi | Umumiy ball |
|---|---|---|---|---|
| 1. | "AVIKON TEX" MCHJ | G'olib | 2 068 000 000,00 | 96 |
| 2. | "HIMLABPRIBOR" MCHJ | Zaxira g'olib | 2 092 000 000,00 | 90.77 |

Tender tanlovida eng yuqori ball to'plagan **"AVIKON TEX" MCHJ** tashkiloti **2 068 000 000,0** so'mga (QQS bilan) yetkazib berish sharti bilan g'olib bo'lgan.

Shundan so'ng, Moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektor (I. Ibragimov) so'zga chiqib, 2022-yil 07-sentabr kuni rasmiylashtirilgan 138790-son bayonnoma yuzasidan 2 (ikki kun) muxokamadan so'ng e'tirozlar kelib tushmaganligini ma'lum qildi.

Yuqoridagi ma'lumotlardan kelib chiqib universitet xarid komissiya

**Q A R O R  Q I L A D I:**

Universitet bosh hisobchisi (M.Maxamov)ga 138790-son bayonnoma bo'yicha g'olib tashkilot **"AVIKON TEX" MCHJ** bilan shartnoma rasmiylashtirish, tegishli g'aznachilik bo'limidan ro'yxatdan o'tkazish va to'lovlarni o'z vaqtida hisob-kitob qilish vazifalari yuklatilsin.

Ushbu tenderda e'lon qilingan tovarni xarid qilish uchun zaxira ijrochi sifatida **"HIMLABPRIBOR" MCHJ** belgilansin.

Ushbu yig'ilish bayoni ijrosini o'z zimmamda qoldiraman

**Yig'ilish kotibi:** **D. Kuchkarov**

**Komissiya a'zolari:** **I. Ibragimov**

**A. Karimov**

**A. Tog'ayev**

**J. Karimov**

**G'. Nasriyev**

**B. Sirojov**

**M. Abdullayev**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда фаол инвестиция ва ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

2017 — 2019 йилларда иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,1 баробарга, шу жумладан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига 2,8 баробарга ортган. Ялпи ички маҳсулот таркибидаги инвестициялар улуши 2016 йилдаги 21 фоиздан 2019 йил якунига кўра 38 фоиздан кўпроққа ўсди. Ушбу даврда ташқи савдо айланмаси ҳажми 1,7 баробарга ошди.

Инвестициялар ва ташқи савдодаги юқори фаоллик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг 1,24 баробарга, қурилишнинг 1,44 баробарга ўсишига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,1 фоиздан 33,2 фоизгача ўсди.

Шу билан бирга, коронавирус глобал пандемияси кооперация алоқаларининг бузилиши, маҳсулотга талабнинг ва сотув бозорларининг қисқариши оқибатида иқтисодиётнинг қатор тармоқ ва соҳаларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаоллигига чекловчи таъсир ўтказишда давом этмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, тармоқлараро кооперацияни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда қўшимча қўллаб-қувватлаш, шунингдек, рақобат муҳитини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги таклифига розилик берилсин:

а) 2020 йил 1 ноябрдан:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда — корпоратив буюртмачилар) учун шундай тартиб ўрнатиладики, унга кўра умумий қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чоракда рўйхати тасдиқланган ҳолда кузатув кенгашлари (таъсисчиларнинг умумий йиғилиши) томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади;

*(1-банд «а» кичик бандининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 07/20/4938/1680-сон)*

хорижда ишлаб чиқарилган алоҳида товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) давлат харидларидаги иштирокини вақтинчалик тақиқлаш ва чегаралаш механизми киритилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига киритилмаган маҳсулотлар бўйича тендер (танлов) иштирокчилари таклифларини баҳолашда халқаро тажрибага мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

*(1-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 мартдаги ПҚ-5011-сон қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2021 й., 07/21/5011/0174-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳисобидан амалга ошириладиган ва умумий қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 500 бараваридан ортиқ бўлган давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари таркибига Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари мажбурий тартибда киритилади;

*(1-банд «а» кичик бандининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 07/20/4938/1680-сон)*

б) 2021 йил 1 январдан стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг алоҳида тартиблари бекор қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини ўтказишнинг ички тартиблари жорий этилишини таъминласин.

2. Белгилансинки:

а) Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидаги асосда шакллантирилади ва тасдиқланади:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган қўшма таклифлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг электрон кооперация порталида (кейинги ўринларда — cooperation.uz портали) жойлаштириладиган ҳамда тегишли сертификатларга эга бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) ва уларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги маълумотлар;

б) ушбу қарор 1-бандининг «а» кичик банди:

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг бошқа тартиби ўрнатилган алоҳида қарорлари бўйича тузиладиган;

мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш мақсадида амалга ошириладиган, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган харид жараёнлари ва шартномаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси 2020 йил 1 октябрга қадар республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш асосида Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. 2020 йил 1 октябрдан шундай тартиб киритилсинки, унга мувофиқ:

бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари харид қилиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини шакллантиришда уларни cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини мажбурий тартибда ўрганади;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# ҚИШКИ СПОРТ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг қишки спорт турлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилма яратиш, мамлакат спортчиларининг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишларини таъминлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишки спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш борасида бир қатор қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурати вужудга келмоқда. Жумладан:

жойларда қишки спорт турлари бўйича мусобақаларнинг тизимли ўтказилишини йўлга қўйиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизимини яратиш, терма жамоалар таркибини сифатли шакллантириш учун юқори малакали спортчилар захираси тайёрланишини таъминлаш;

қишки спорт турларини ривожлантириш учун замонавий моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш;

қишки спорт турлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қишки спорт турлари бўйича замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмани яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш.

Қишки спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, Ўзбекистон спортчиларини халқаро спорт мусобақалари, шу жумладан, Пекин шаҳри (Хитой)да 2021 йилда бўлиб ўтадиган қишки Осиё ўйинлари ҳамда 2022 йилда ўтказиладиган XXIV қишки Олимпия ўйинларига тайёрлаш ва ушбу мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020 — 2023 йилларда ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида назарда тутиладиган маблағлар;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, жамғармалар, спорт федерациялари

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбпрлар | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбалари | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | турлари (фиғурали учиш, шорт-трек, кёрлинг ва бошқа) бўйича мусобақалар ўтказиш, кўргазмалар ҳамда форумлар ташкил этишга мўлжалланган замонавий муз саройини ташкил этиш. | | | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| **II. Қишки спорт турлари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, давлат спорт таълим муассасаларини хорижий адабиётлар билан таъминлаш** | | | | |
| 9. | | | | |
| 10. | | | | |
| 11. | Ўзбекистонда қишки спорт турларини ривожлантириш ва бу соҳа учун малакали тренерларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган давлат илмий техник дастурлари доирасида илмий-амалий лойиҳалар танловини ташкил қилиш. | 2020 йил 15 февралдан бошлаб ҳар йили | Ижр?чилар маблағлари | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 12. | «Эл-юрт умиди» жамғармасининг стипендия танловларида иштирок этиб ғолиб бўлганларини хорижий таълим ва илмий муассасаларида таълим олиш, малака ошириш, стажировка ўташларини ташкил этиш. | 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар йили | «Эл-юрт умиди» жамгармаси маблағлари | «Эл-юрт умиди» жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 13. | Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини қишки спорт турлари бўйича замонавий техник воситалар ва махсус лаборатория ускуналари (анжомлари) билан жиҳозлаш. | 2021 йил 1 декабрь | Инновацион ривожлантириш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, қишки спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) |
| **III. Юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни ўқув-машғулот жараёнларига кенг жалб қилишорқали спортчи ва тренерларкасбий тажрибасини орттириш** | | | | |